



99/20-II -son

« 26 » « июль » 2020 yil

Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга мухтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги “Саховат ва кўмак” жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги 213-сонли Фармойиши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги 87-сонли Бошқарув қарори ҳамда Халқ депутатлари Учтепа туман кенгаши депутатларининг 2020 йил 28 апрелдаги 34/07-2 сонли кенгаш қарорини ва 2020 йил 28 апрелдаги 34/07-2-1 сонли қўшимча кенгаш қарорини ижросини инобатга олиб, Учтепа туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан, Учтепа туман Халқ Банки бўлимида “Саховат ва кўмак” жамғармаси махсус ҳисоб рақами очилди.

Учтепа туман “Халқ банки” “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамига 2020 йилнинг 27 апрель кунидан 4 август ҳолатига туманда фаолият юритаётган **263** та корхона ва ташкилотлар томонидан жами **2 555,4** (2 миллиард 555 миллион) сўм пул маблағи ўтказилди.

Ушбу маблағлар Тошкент шаҳар Учтепа бўлими “DAVR-BANK” ХАТБ банкнинг транзит ҳисоб рақамига босқичма-босқич жами **2 272,0** (2 миллиард 272 миллион) сўм пул маблағи ўтказиб берилди.

Тадбир бошидан жами **4985 нафар** оилаларга **5 434 670 000** (беш миллиард тўрт юз ўттиз тўрт миллион олти юз етмиш минг) сўм маблағ фуқароларнинг пластик карталарига туширилди. Шундан:

- 2585 та оилага 500 минг сўмдан
- 1306 та оилага 1,0 млн.сўмдан,
- 160 та оилага 1,5 млн.сўмдан,
- 5 та оилага 2,0 млн.сўмдан,
- 468 та оилага 2,5 млн.сўмдан,
- 457 та оилага 3,0 млн.сўмдан,
- 10 та оилага 3,5 млн.сўмдан,
- 2 та оилага 4,0 млн.сўмдан

2020 йил 15 мартдан бошлаб аксар корхоналарнинг ёпилиши ҳамда карантин чекловлари сабабли ёрдамга мухтож одамларни маҳаллаларда шаффофлик билан «**Темир дафтар**»га кайд этиш бошланди.

Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб, сектор раҳбарлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғини раислари, сектор аъзолари билан биргаликда уйма-уй юриб оилаларнинг моддий ва турмуш шароитини ҳар томонлама ўрганган ҳолда сектор котиблари томонидан «Saxovat.argsos.uz» электрон базасига киритилди.

“Темир дафтар”ларга киритилган **4687та** оила (*20 460 аъзо*)лар рўйхатлари киритилган бўлиб, улар доимий равишда янгиланиб борилди.

Рўйхатга эҳтиёжманд оилаларнинг 5 та йўналиш:

- 1) меҳнатга лаёқатсиз ногиронлари ва сурункали касалликка чалинганлар;
- 2) яққа-ёлғиз кексалар, бевалар ва ўзгалар қармогига мухтожлар;
- 3) 5 ва ундан ортиқ фарзанди бор оилалари;
- 4) карантин чоралари натижасида даромад манбаини йўқотганлар;
- 5) ҳақиқатда эҳтиёжмандлар, ночор ва моддий кўмакка мухтож тоифалари киритилган.

2020 йил 1 август ҳолатига меҳнатга лаёқатли ишсиз оила аъзоларнинг бандлигини таъминлаш орқали даромад манбаи яратилганлиги, сектор раҳбарларининг тавсияси ва оила бошлигининг бу тўғрисидаги ёзма мурожаати асосида **2444 та** оила «**Темир дафтар**»дан чиқарилди. Жумладан

1-сектор – 711 та оила

2-сектор - 874 та оила

3-сектор – 330 та оила

4-сектор – 529 та оила

Пандемия даврида давлат томонидан ижтимоий муҳофазага мухтож оилаларга навбатдаги моддий ёрдам кўрсатилди:

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 июльдаги 346-Ф-сонли Фармойишига асосан ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 30 июль куни ўтказилган видеоселектор орқали берилган топшириғига асосан Учтепа туманидаги, моддий ёрдам ва кўмакка мухтож **2 297 та** оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун жами **2 297 400 000 сўм (икки миллиард икки юз тўқсон етти миллион тўрт юз минг)** маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар 2020 йилнинг 31 июль куни 4 та сектор бўйича тақсимланди.

1-сектор – 425 та оилага 424 800 000 сўм

2-сектор - 229 та оилага 229 200 000 сўм

3-сектор – 692 та оилага 692 400 000 сўм

4-сектор – 951 та оилага 951 000 000 сўм

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июльдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий химояга ва ёрдамга мухтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038-сон Фармонига асосан ҳар бир жон бошига 220 минг сўмдан 10 394 нафар оила аъзоларга 2286,7 млрд сўм – 2 минг 800 та оила:

- 1-сектор – 2 153 нафар фуқароларга 52 100 000 сўм
- 2-сектор – 2 374 нафар фуқароларга 79 200 000 сўм
- 3-сектор – 2 078 нафар фуқароларга 21 300 000 сўм
- 4-сектор – 1 789 нафар фуқароларга 136 400 000 сўм

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 август кунидаги “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4815-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида жами 16 ёшга тўлмаган болалари бўлган **1698 та** оилаларнинг **3 320 нафар** вояга етмаган 16 ёшгача бўлган фарзандларига жами **1 660 000 сўм маблағлар** очилган пластик карточкаларга ўтказиб берилди.

- 1-сектор – 527 нафар болаларга 263 500 000 сўм
- 2-сектор – 746 нафар болаларга 373 000 000 сўм
- 3-сектор – 922 нафар болаларга 461 000 000 сўм
- 4-сектор – 1 125 нафар болаларга 562 500 000 сўм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги “Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турур-жой фондини 2020/21 йиллар куз-киш джаврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 623-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 9 октябрдаги 909-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида, “Темир дафтар”га киритилган мухтож оилаларни қиш мавсумида зарур озик-овқат, дори-дармон ва иссиқ кийим-кечакка эҳтиёжлари маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида жами **3742 та** оилаларнинг **13755 нафар** аъзолари киритилган бўлиб, шулардан иссиқ кийим кечак учун **473 та** оилага жами **331 100 000 сўм**, дори-дармон **227 та** оилага жами **113 500 000 сўм** маблағ ҳамда **811 та** оилага **680 100 000 тонна** хажмда озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёж борлиги аниқланди ҳамда ёрдам кўрсатилиши режалаштирилди.

2020 йил 24 ноябрь куни ҳолатига онлайн тарзда 3801 нафар эҳтиёжманд оилалар <http://saxovat.argos.uz/> электрон манзилга киритилган бўлиб, меҳнатга лаёқатли ишсиз оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш ва иқтисодий шароитини яхшилаш орқали уларни оилавий шароитларини инобатга олиб, сектор раҳбарларининг тавсияси ва оила бошлиғининг бу тўғрисидаги ёзма мурожаати асосида 3105 нафарини “Темир дафтар”дан чиқариш таклифи берилди.

Яъни,

1-секторда – 540 та оиладан 397 таси чиқарилиб, 143 та оила қолди
2-секторда – 888 та оиладан 714 таси чиқарилиб, 174 та оила қолди
3-секторда – 750 та оиладан 636 таси чиқарилиб, 114 та оила қолди
4-секторда – 1623 та оиладан 1358 таси чиқарилиб, 265 та оила қолди.

Ҳозирда мухтож оилалар сони 696 тани ташкил этмоқда. Коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга мухтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга кўмаклашиш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаеванинг Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга мухтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман сектор раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан, қуйидагилар:

1-сектор – 397 нафар, 2-сектор – 714 нафар, 3-сектор – 636 нафар ва 4-сектор – 1358 нафар (жами 3105) ижтимоий иқтисодий аҳволидан келиб чиққан ҳолда, оилавий шароити яхшилانган фуқароларни секторлар кесимида шаклланган мухтож оилалар рўйхати “темир дафтар”дан иловага мувофиқ чиқарилиши мақуullanсин.

3. Туман сектор раҳбарларига:

- вақтинча ишсиз ва иш билан банд бўлмаган фуқароларни жорий йил якунига қадар тўлиқ банд қилиш ва “темир дафтар”дан чиқариш чоралари кўрилсин.

4. Туман ҳокими ўринбосарлари (А.Хужанов, З.Азимбаева)

- тумандаги секторлар кесимида шаклантирилган эҳтиёжманд аҳоли ҳақида маълумоти доимий равишда кўриб чиқиш мониторинг ташкил

қилинсин ва халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига маълумот тарзда тақдим қилинсин.

- эҳтиёжманд фуқаролар оилавий шароити яхшилаш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

5. Мазкур қарорни назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши раис ўринбосари



С.Имамов



100/20-ij-son

« 26 » « ноябрь » 20 20 yil

**Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1. Учтепа тумани ҳокими ўринбосари-махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи З.Азимбаеванинг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туманида “Журжоний”, “Боғистон”, “Боғобод”, “Ҳайратий”, “Тинчликобод”, “Фарход”, “Хуросон”, “Бешқайрағоч”, “Янгийўл” ва “Зулфизар” маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайловини 2020 йил 10 декабр санасига қадар ўтказиш муддати инобатга олинсин.

3. Учтепа туман ҳокимлиги Ташкилий кадрлар гуруҳи (З.Хикматуллаев), Учтепа тумани ҳокими ўринбосари-махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (З.Азимбаева)лар:

2020 йил 10 декабр санасига қадар куни “Катта Журжоний”, “Боғистон”, “Боғобод”, “Ҳайратий”, “Тинчликобод”, “Фарход”, “Хуросон”, “Бешқайрағоч”, “Янгийўл” ва “Зулфизар” маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга доир тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин;

туман ҳокимлиги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш борасида фуқаролар йиғинларига

кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш, ишчи гуруҳларига амалий ёрдам кўрсатилсин.

4. Ушбу қарор лойиҳаси Халқ депутатлари туман Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясига етказилсин.

5. Туман ҳокимининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси, матбуот котиби (Т.Тўраев)га:

Журжоний”, “Боғистон”, “Боғобод”, “Ҳайратий”, “Тинчликобод”, “Фарҳод”, “Хуросон”, “Бешқайрағоч”, “Янгийўл” ва “Зулфизар” фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини ёритиш бориш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор ижро нозорати Ижтимоий-маданий соҳани ривожланиш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа тумани
Кенгаши раис ўринбосари



С.Имамов